

Мустақиллик дарси

«Азиз ва яғонамсан, жонажон Ўзбекистоним!»

Жонажон ватанимиз - Ўзбекистонимиз миллий тараққиётнинг янги босқичига қадам қўйиб, барча соҳа ва тармоқларда демократик янгилашни жараёнлари амалга оширилаётган бугунги кунда биз учун бебаҳо неъмат бўлган мустақилликнинг кадр-қиммати ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Эркин ва фаровон ҳаётимизни, буюк келажагимизни фақат мустақиллик асосида қуришимиз, одамларимиз, эл-юртимизни фақат мустақил сиёсат асосида рози қилишимиз мумкин. Фақат мустақиллик бугунги ва келгуси авлодлар мисли кўрилмаган имкоониятларни очиб беради.

Шу маънода, мамлакатимиз истиқлолини, у билан боғлиқ тарихий санани ва воқеа-ҳодисларни моҳиятини чуқур англаш ва кадрлаш, ҳар томонлама муносиб нишонлаш ижтимоий- сиёсий ва маънавий ҳаётимизда алоҳида муҳим ўрин тутди.

Биз бугун халқимизнинг хоҳиш-иродаси билан танлаб олган, истиқлол йилларида босиб ўтган оғир ва машаққатли, шу билан бирга, ғоят шарафли йўлимизни сарҳисоб қилар эканмиз, тарихан қисқа бир даврда ўз тақдиримизни ўзимиз ҳал этиш, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш, миллий давлатчилигимизни, азалий қадрият ва урф-одатларимизни, муқаддас динимизни тиклаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида улкан ютуқ ва марраларни қўлга киритганимизни фахр билан тилга оламиз.

Албатта, ушбу ютуқларнинг қўлга киритилишида Биринчи Президентимиз Ислон Абдуғаниевич Каримовнинг тарихий хизматлари беқиёс бўлганини бугун барчамиз, бутун халқимиз такроран эсга олишимиз табиийдир.

Бугун барчамиз бир фикрда яқдилмиз: **Биринчи Президентимизнинг Ватан ва давлат олдидаги буюк тарихий хизматлари, сўнмас хотираси халқимиз қалбида абадий яшайди.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 июнда “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма етти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Мазкур қарор билан халқимизнинг асрий орзуси бўлган, Ватанимизнинг неча минг йиллик тарихида мутлақо янги саҳифа очган, мамлакатимизни халқаро ҳамжамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзосига айлантирган Ўзбекистон мустақиллигининг йигирма етти йиллигини

муносиб кутиб олиш ва нишонлаш мақсадида байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича вазифалар белгиланди.

Ўзбекистон мустақиллигининг 27 йиллиги тантаналари «Азиз ва яғонамсан, жонажон Ўзбекистоним!» шиори остида ўтказилади

Республика комиссиясига бир ҳафта муддатда «Азиз ва яғонамсан, жонажон Ўзбекистоним!» ғоясини ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маънавий-маърифий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастурини ишлаб чиқиш вазифаси топширилди.

Мазкур дастур 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳамда «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили» Давлат дастури билан уйғун ҳолда тайёрланади.

Республика комиссияси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида Мустақиллик байрамига бағишлаб аҳолининг кенг қатламлари ўртасида маърифий учрашувлар, очиқ мулоқот ва суҳбатлар, адабий-бадиий кечалар, маданий тадбирлар ўтказиш мақсадида таниқли олимлар, ижодкор зиёлилар ва санъаткорлардан иборат маънавий-маърифий тарғибот гуруҳлари ташкил этиш ҳамда уларнинг аниқ режа асосида фаолият олиб боришини таъминлаш белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг қонуни қабул қилинди.

2016 йил 12 август куни олий мажлис қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган эди.

- қонун лойиҳаси 24 август куни олий мажлис сенати томонидан маъқулланган

қонун 4 боб, 33 моддадан иборат бўлиб, ушбу қонуннинг мақсади ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармонида кўра **2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тасдиқланди.**

2017 йил 22 декабрь куни Ўзбекистон тарихида илк мартаба Президентнинг парламентга 2017 йилда амалга оширилган асосий ишлар якуни ва Ўзбекистон Республикасини 2018 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналишларига бағишланган Мурожаатномаси тақдим этилди.

Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси юртимиз жамоатчилиги томонидан мамлакатимизнинг демократик ривожланиши сари дадил қадам, деб эътироф этилмоқда. Мурожаатномада ҳар бир йўналиш бўйича белгиланган вазифалар, топшириқлар, Конституциямизда белгиланган тамойиллардан келиб чиққан. Мурожаатномада Олий таълим тизимини янада такомиллаштириш борасида ҳам алоҳида эътибор қаратилди. 2017-2021 йилларда олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш дастури бўйича Ўзбекистон илм-фан, интеллектуал салоҳият соҳасида, замонавий кадрлар, юксак технологиялар борасида дунё миқёсида рақобатбардош бўлиши лозимлиги таъкидланди.

Президент мурожаатномада фактларни аниқ ва конкрет, қатъий ва адолатли баён қилди. Бугунги кунга қадар ҳамма қабул қилган статистик рақамлар қайта кўриб чиқилди ва уларга янгича ёндошув қабул қилинди.

Юртбошимиз миллий масалалар ҳақида мулоҳаза ва глобал масалалар ҳақида мушоҳада юритди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 19 сентябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида нутқ сўзлади.

Президентимиз ўз нутқида Ўзбекистондаги ислохатлар, демократия, инсон ҳуқуқлари, ёшлар масаласи, диний бағрикенглик, халқаро хавфсизлик, минтақавий ҳамкорлик ва экология алоҳида таъкидлаб ўтди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Нью-Йоркдаги нутқи хорижда Ўзбекистон ҳақида шаклланган эски қолипдаги тушунчаларни (стереотипларни) тубдан ўзгартириб юборди. Ўз навбатида, дунё ҳамжамиятининг мамлакатимизга ишончи бир неча қарра ошди. Моҳиятан, бу мухтасар ва мазмунли нутқ Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низомида мустақамланган тинчлик ва хавфсизликни, барқарор тараққиёт ва инсон ҳуқуқларини таъминлашни, умуминсоний кадриятлар, халқаро ҳамкорлик субъектларининг ўзаро муносабатларига доир тамойилларига тўлиқ ва сўзсиз содиқ бўлган давлатнинг, шиддат билан ривожланаётган янги Ўзбекистоннинг янгича қиёфасини намоён этди.

